11 ОКТ 15841

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 227 (5518).
4 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ— РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

...ЎЙСОЗЛАР ҲИММАТИ

БУГУН

...озлик комбинати-...3-монтаж бошқар-...да меҳнат қилаёт-...Феликс Кулумбе-...бошлиқ комплекс-...ан коммунистик ...ат бригадаси кол-...иви навбатдаги 9 ...ган 54 квартирали ...й жой биносида ...ий қурилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Злобин методи асосида ишлаётган қурувчилар кунлик топшириқларини 20 — 25 процент ошириб адо этишиб, юқори натижаларга эришишмоқда. Бригаданинг Владимир Калинкин, Шавкат Алимуҳамедов, Сергей Простатин каби қурувчилари ўз зиммаларига шахсий мажбурият олишиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан кутиб олиш учун курашмоқдалар.

Ўз имкониятларини ҳисоблаб чиққан бригада юбилейга қадар беш йилликнинг тўрт йиллик планини бажаришга аҳд қилди. Бундан ташқари коллектив «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига— 40 зарбдор меҳнат ҳафтаси» шиори остидаги ташаббусга ҳам яқдиллик билан қўшилди. Улар бир кун ўз иш жойларида меҳнат қилишиб, ўша кундан тушган маблағни Тинчлик фондига ўтказишга азму қарор қилдилар.

● ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИГА — КЕНГ ЙЎЛ

Болаларга «Конструктор»

«Средазэлектроаппарат ишлаб чиқариш бирлашмаси реле-автоматика заводининг коллективи Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги ҳамда Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бу йил 3 миллион 200 минг сўмликка яқин кенг истеъмол буюмлари тайёрлаб, реализация қилишга бел боғлаган. Ҳозирги кунга қадар ана шу миқдорнинг 2,5 миллион сўмлиги тайёрланиб, харидорлар қўлига етиб борди. Кенг истеъмол буюмларининг аксарият қисми болаларга мўлжалланган ўйинчоқлардир.

БУГУН

корхонада янги маҳсулот — «Конструктор» номли самолётнинг 40 мингинчи донаси тайёрланиб бўлинди. Юбилей кунига қадар савдо тармоқларига яна ўн минг дона болалар самолёти етказиб берилади.



ИЖОДИЙ ЁНДОШИБ

«Ташхимсел ь м а ш» заводида В. Плешаков бригадаси алоҳида ҳурмат билан тилга олинади. Чунки мазкур коллектив ҳар қандай оддий топшириқни ҳам ижодий ёндошиб, тез бажаришга ҳаракат қилади. Масалан, бундан аввалги ойни олайлик.

Коллектив катта бўлмаган ҳажмдаги ишни бажариши — 400 дан зиёд машина-комплект тайёрлаши лозим эди. 30 номдаги деталлар ана шу туркумга киради. Бу деталларнинг айримлари беш килограммдан 20 килограммгача оғирликдадир. Бундай топшириқни саккиз аъзоси бўлган бригадалар ҳам уддалаши амри маҳол. Виктор Фёдоровичнинг бригадаси эса беш кишидан иборат.

Топшириқни бажаришни энг кўп меҳнат сарф бўладиган жараёндан бошлашга қарор қилинди. 20 килограммли валларга устки ишлов бериш Саша Сатторовга топширилди. У бир йўла икки дастгоҳда ишлаб, графикдан уч кун ўзиб кетишга муваффақ бўлди.

Шундан кейин иш бир оз енгиллашди. Лекин шунга қарамай, деталларга ишлов беришнинг айрим жараёнлари дастгоҳларни қайта жиҳозлашни талаб қилар эди. Бригада аъзолари бунинг ҳам йўлини топишди. Бир қатор операцияларни Николай Подмарев ва Николай Алексеев ўз дастгоҳларида бажара бошладилар.

Ишга ижодий ёндошиш, қатъият, бригаданинг куч-гайрати ўз самарасини берди. Ойлик планни коллектив муддатидан илгари бажариб, топшириққа қўшимча яна бир нечта машина-комплект тайёрлаб берди.

Коллективнинг фидокорона меҳнатидан далолат берувчи бундай

ПАРТИЯ ТУРМУШИ :
ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

МЕҲНАТГА МУҲАББАТ РУҲИДА ТАРБИЯЛАЙЛИК

«Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари»да қўйилган муҳим вазифа — ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, меҳнат тарбияси ва таълимини, ёшларни касбга йўналтиришни тубдан яхшилаш масалалари шаҳар мактабларида бўлиб ўтаётган ҳисобот-сайлов партия йиғилишларининг диққат марказида турибди.

43-ўрта мактаб пойтахтдаги энг кекса мактаблардан биридир. Бу ерда ўқитувчилар кўп йиллардан буён бирга ишлаб келишяпти, уларнинг кўплари шу мактабни битиришган, меҳнат стажлари шу коллективларнинг ўзида 20—30 йилни ташкил этади. Бу ерда таълимнинг сифати яхшилигини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билиб олиш мумкин: ҳар йили бу мактабни битириб чиқаётган ўқувчиларнинг 75—80 процента ўрта махсус ва олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда. Синфдан ташқари иш олиб бориш бўйича Киров районида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. «СССР — менинг Ватаним» Бутуниттифоқ ўлкашунослик экспедицияси якунлари бўйича мактаб коллективи иккинчи ўринни олган. Кейинги уч йил ичида бу мактабдан фақат биргина ўсмир балоғатга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси учётида турибди, холос.

Мактабда ўқувчиларнинг мустаҳкам билим олишларига муттасил катта эътибор бериляпти. Бироқ бугунги мактаб фақат ўрта маълумотли йигит ва қизларни тайёрлагина қолмай, балки мактабни битириб чиқишганларидан сўнг уларнинг онгли равишда келгусидаги йўлларини белгилаб олишлари ҳақида қайғуриши керак.

— Мактабни битириб чиқаётганларнинг ҳаётда ўз ўринларини белгилаб олишларига ёрдам беришимиз керак, — деди коммунист, мактаб директори Н. Сальникова. — Дарсларда ҳам, дарсдан кейинги вақтларда ҳам олиб бораётган барча ишларимиз ана шунга қаратилмоғи керак.

Янги ўқув йилида ўқитувчилар олдига конкрет вазифалар қўйилди. Ҳар бир дарсда касб танлаш масаласи ҳал этилмоғи керак. Ҳисобот-сайлов партия йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Чунки мактабни битириб чиқаётганларнинг эртага врач ёки токарь бўлиб ишлашидан қатъий назар, бу касб унга қувонч келтириши керак.

Бугунги кунда мактабда 22 та фан бўйича тўгарак ишлаб турибди. Шунингдек, ўқувчиларнинг қизиқишларига қараб ҳар хил тўгараклар ташкил этилган. Касб танлашда оталиқ ташкилотлар ёрдам беришяпти. 7-синф ўқувчилари бу йил «Ёш метеоролог» тўгарагида ва бошқа секция, лабораторияларда шуғулланадилар. Бироқ ўқувчиларнинг касб танлаш бўйича эришган муваффақиятларини таъкидлаган ҳолда партия ташкилотининг секретари Н. Алексеева ва музокарада сўзга чиққан коммунистлар ўқув-тарбия жараёнини таҳлил этиб, асосий эътиборни ўқувчиларнинг социал активлик руҳида тарбиялаш, ўз ишига меҳр қўйиш, ижтимоий-фойдали меҳнатда кенгроқ қатнашишга қаратдилар. Ҳар йили шаҳар ҳунар-техника билим юртларига ўқувчилар қабул қилишда туғилаётган қийинчиликлар ҳам бу ишни яхшилашни талаб этмоқда. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина бор-йўғи 8 синфни битирган 22 ўқувчигина ҳунар-техника билим юртига ўқишга борди. Шундан 7 нафари оталарининг қистови билан билим юртига ҳужжат топширди. Битирувчи синфларнинг раҳбарлари М. Ежкова, К. Калинина, П. Пакина йиғилишда шу масалани кўтариб, янги ўқув йилида ўқувчи-ёшлар ўртасида касб танлаш ишини яхшилаш, оталиқ ташкилотлар, ишлаб чиқариш таълими мастерлари, билим юртлари, ишлаб чиқариш илғорлари, ота-оналар билан алоқани ривожлантиришга асосий эътиборни қаратишга аҳд қилишди.

Тўғрисини айтганда, мактаб ҳали оталиқ ташкилот — «Ўртоқ» кондитер фабрикаси билан амалий алоқалар ўрната олгани йўқ. Бу корхонадагилар ўқувчиларни меҳнатга тайёрлаш масъулиятини ҳали чуқур англаб етган эмаслар. Бешинчи меҳнат чорагида мактаб отрядлари асосан ишлаб чиқариш иншоотларини тозалаш билан шуғулланмоқдалар. Қишда эса ўқувчилар эсдан ҳам чиқиб кетяпти. Ҳолбуки фабрикага ўша пайтларда брак қилинган конфетлар қайтиб келяптики, уни очиб ўрайдиган одам топилмайди.

Очиғини айтганда, бу ерда юқори синф ўқувчиларини фақат турли хил камчиликларни йўқотишга жалб қилмоқдалар. Бизнингча, ишни бундай тарзда йўлга қўйиш билан ўқувчиларни меҳнат кишисига ҳурмат руҳида тарбиялаш, ишчи касбига меҳр уйғотиш қийин. Шу нарса маълумки, ўсмирлар берилган ишга жуда қизиқсаларгина жонларини жабборга бериб ишлайдилар. Буни унутмаслик керак.

Ёки бошқа бир мисолни олиб кўрайлик. Ўқувчилар ўқув-ишлаб чиқариш комбинати группасига жон-жон деб бормоқдалар. Чунки база корхонаси ҳам шу 43-мактабга оталиқ қилади. Бу ердагилар ўқувчиларга ишонч билан қарашади. Ёзда кўпгина ишчилар меҳнат отпускасига чиқиб кетишганда, уларнинг ўрнини юқори синф ўқувчилари эгаллашяпти. Қаранг, икки оталиқ ташкилотда икки хил манзара.

«Ўртоқ» фабрикасида ҳам шундай йўл тутиш имконияти кўпку. Бироқ, бу ердагилар бу имкониятдан фойдаланишда ношудлик қилмоқдалар.

— Биз фабрика маъмуриятига ўқувчиларимиз учун мустақил иш беришларини таклиф этган эдик, — деди коммунист Н. Сальникова. — Лекин негадир лом-мим деййшмаяпти. Наҳотки, ўқувчилар бригадасига конфет соладиган қутиларни елимлашни ишониб топшириб бўлмаса? Юқори синф ўқувчиларини йил давомида бошқа хил касбларга ҳам ўргатиш мумкин-ку. Чунки бу касблар унчалик профессионал маҳоратни талаб этмайди, озгина йўл-йўриқ бериб юборилса, ўқувчилар бу ерда бемалол ишчилар бажараётган ишни яхши адо этишлари мумкин. Бундан ҳам мактаб, ҳам фабрика манфаат кўрган бўлар эди.

Янги ўқув йилида мактаб коммунистлари, ўқитувчилари олдига катта вазифалар қўйилган. Ўқувчиларни техника ижодига жалб этиш учун моддий база тайёрлаш, касб танлаш ишини янада яхшилаш, барча оталиқ ташкилотлар билан алоқани йўлга қўйиш вазифалари турибди.

Коммунистлар бу вазифаларни ҳал этиш юзасидан ишчанлик руҳида сўз юритдилар. Ўқитувчилар шунга интилишлари керакки, улар тарбиялаган ёшлар меҳнатни севсинлар, ёшлик чоғлариданоқ унга табиий бир эҳтиёж сезсинлар, ҳар бир ишониб топширилган ишни ўртоқлари, мураббийлари, бутун меҳнат коллективи олдида қизариб қолмайдиган тарзда, кўнгилдагидек адо этишга ўргатсинлар.

Н. КОРЧАГИНА.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ПАРТИЯ САФЛАРИ ТЕЗ ЎСМ

ХАНОЙ. Дарлакда Марказий Вьетнам вилоятларида партия қурилиши масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Кенгашда Жанубий Вьетнам озод этилган кундан буён ўтган тўққиз йил мамлакатнинг ана шу районида партия сафларининг тез ўсиши билан нишонланганлиги уқтирилди. Шу вақт ичида Тэйнгуен ясси тоғлиги вилоятларида коммунистлар сони икки ярим баравар кўпайиб, 37 минг кишига етди.

Шу вилоятлардаги ВКП ташкилотлари асосий эътиборни ўлка олдида турган муҳим социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишга қаратмоқдалар. Бу ўлка Вьетнамнинг қолоқ миллий чекка ўлкалардан бири ҳисобланарди. Партия ташкилотлари раҳбарлигида деҳқонларни кооперациялаш жараёни давом этмоқда. Деҳқон оилаларининг ярмидан кўпроғи ҳозирдаёқ хўжаликни кооператив тарзда юритиш йўлига кириб олди.

Келгуси йилларда, деб уқтирилди кенгашда, Марказий ясси тоғликда яшаётган майда миллатлар вакилларидан раҳбар коммунист кадрлар тайёрлашга, ВКП ташкилотлари сафларини кенгайтиришга, ... ёшларни партия сафларига ... ишлаб чиқаришда ... ишлашга ... ёшларнинг ... ишлаш ... ишлаш ... ишлаш

Фан ҳақида суҳбатлар

ҚУЁШГА «МЕҲМОН» БЎЛАДИГАН КОМЕТА

Олам ҳаракатда, сайёралар ҳаракатда. Осмон жисмларидан таралаётган нурлар тўлқинида жилваланган само яратиш ҳаракатида яшаяпти. Астроном олимлар бепоён коинот бағридан қувватли объектлар топишяпти, узоқ-яқин сайёраларнинг ҳаракатини кузатишяпти, инсон ўз ақл-заковати билан космосни ўзлаштиряпти. Коинотдаги янгиликлар ва космосни ўзлаштириш борасидаги илмий-тадқиқотлар билан оқшомхонларни таништириш учун мухбиримиз Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, физика-математика фанлари кандидати, астроном Маматмусо МАМАДАЗИМОВ билан суҳбатлашди.

САВОЛ: Айтингчи, кейинги пайтларда самода қандай янгиликлар юз берди?

Жавоб: Олимларимиз коинот жисмларини ўрганишда улардан келаётган нурларнинг анализига таянишади. Бу нурлар, таъбир жоиз бўлса, осмон жисмларининг «тили» ҳисобланади. Ҳаммамиз биладиган, қуёш ва юлдузлардан тараладиган нурлардан ташқари, бепоён коинотдан кўзимиз илғамайдиган талай бошқа нурлар ҳам келади. Мактаб физика дарсларигида, оқ нурнинг ўзи мураккаб бўлиб, у қизил, сариқ, яшил, кўк ва шуларга ўхшаш етти хил нурдан ташкил топганлиги айтилади. Аслида эса коинотда етти хил эмас, яна минглаб хил нурлар бор. Бу нурлар тўлқин узунликлари (узун ёки қисқалиги) билан фарқ қилиб, узун тўлқинлари — инфрақизил ва радионурлар, қисқа тўлқинлари эса ультрабинафша, рентген ва гамма нурлар деб юритилади.

Кейинги ўн йилликларда осмонда бизнинг кўзимиз кўролмайдиган бу тўлқин узунликларда нурланаётган ўнлаб қувватли объектлар топилди. Булар ичида, айниқса рентген ва гамма диапазонда топилган манбалар ажойибдир. Улар юксак қувватлилиги ақл бовар қилмайдиган даражада юқори энергия ажралиши орқали рўй берадиган физик жараёнлар эканлиги билан олимлар диққатини ўзига тортмоқда.

САВОЛ: Бу топилган манбаларнинг қувватларини таниш юлдузлар, жумладан, Қуёш билан солиштириб кўз олдимизга қандай келтирсак бўлади!

Жавоб: Олтмишинчи йилларда Акраб юлдуз туркумида топилган рентген «юлдузи» ҳар секундда Қуёшнинг ҳамма диапазонида нурланадиган энергиясидан қарийб минг баравар, Оққуш юлдуз туркумида топилган шундай манба эса, ўн минг баравар кўп энергия чиқариши билан ақлни лол қолдиради. Етмишинчи йилларда рентген нурларида қисқа вақт ичида чақноқчи манбалар топилди. Қарангки, мазкур манбалар чақнаш давомида — бир неча минут ичида чиқарган энергиясини Қуёш қарийб икки ҳафта давомида зўрға чиқара олар экан. Шу йиллари ишга тушган гамма телескоплари осмонда ўнлаб гамма «юлдуз»ларини топдики, уларнинг қуввати Қуёшникидан миллионлаб марта ортиқ экан. Лекин уларнинг нурланиш механизмининг табиати ҳалигача номаълум бўлиб турибди.

Ҳозирги замон астрономик телескоплари билан инсон кўзи кўролмайдиган олисликлардаги самовий жисмларининг физик табиати ақлларни ҳайратга соладиган ҳаракатларини кузатиш мумкин.

САВОЛ: Астроном олимларнинг маълумотича, 1986 йилда Галлей кометаси Қуёшга «меҳмон» бўлар экан. Шу ҳақда қандай янгиликлар бор!

Жавоб: Галлей кометаси Қуёш атрофида даврий айланадиган кометаларнинг биридир. Бу «думли юлдуз»ни машҳур олим И. Ньютоннинг шогирди Э. Галлей XVII асрда аниқлаган. Кейинчалик олимлар томонидан кометанинг Қуёш атрофида айланиш даври ўта аниқлик билан топилди. Мазкур комета Қуёш атрофида ўртача 76,5 йиллик билан айланади. «Думли юлдуз» Қуёш яқинидан (перегелийдан) охирги марта ўтганига 74 йилдан ошди. Бу ҳодиса 1910 йил 20 апрелида кузатилган эди. Қадимги қўлёзмалардан Галлей кометаси Қуёш яқинидан 28 марта ўтганлиги аниқланган. Навбатда бу комета перегейдан 1986 йилнинг 9 февралида ўтади. Яқинлашиб келаётган комета ниҳоятда митти, кўз зўрға илғайдиган юлдуздан миллионлаб марта хирадир. 1982 йилнинг 12 октябрида Паламор обсерваториясининг (АҚШ) 5 метрли телескопи ёрдамида ана шу хира «думли юлдуз»нинг фоторасмини олишга муваффақ бўлинди. Бу пайтда у Сатурн орбитасидан анча нарида, Қуёшдан қарийб 2 миллиард километр масофада эди.

Шу кунларда «Галлей» Сатурн билан Юпитер орбиталари атрофида Қуёшга томон секундига 12 километрдан ортиқ тезлик билан ўқдек учиб келмоқда. Бу кометани оддий кўз билан 1985 йилнинг декабридан бошлаб Савр юлдуз туркумида кўриш мумкин бўлади. «Думли юлдуз» перегелийдан ўтаётганда (1986 йилнинг 9 февраль куни Тошкент вақти билан соат 13 да) Қуёшдан оралиқ масофа 90 миллион километрни ташкил қилади.

САВОЛ: Комета бу даврда Ерга яқинлашиб, сайёрамизга хавф туғдирмайдими!

Жавоб: Йўқ, албатта. Комета Қуёш атрофидан айланиб ўтишида Ерга ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Бу даврда Ер билан «думли юлдуз» икки марта бир-бирига яқин масофадан ўтади. Биринчиси, 1985 йилнинг 26 ноябрида рўй бериб, комета бу пайтда планетамиздан 93 миллион километр нарида бўлади ва у она-Еримизни ўз ҳаракат йўлидан ҳеч чалғитмайди. Иккинчи яқинлашиш 1986 йилнинг 11 апрелида рўй беради. Бу пайтда «думли юлдуз» Ердан 63 миллион километр масофадан ўтади. Бундай масофада ҳам Еримиз массаси планетамиз массасидан миллионлаб марта кичик бўлган думли бу «юлдуз»нинг бор-йўқлигига парво ҳам қилмай, ўз йўлида равон давом этаверади.

Суҳбатни Т. РАСУЛЕВ олиб борди.



ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Киевдан юз километр масофада жойлашган Мироновскийдаги В. Н. Ремесло номли бугдой селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида махсус халқаро селекцион тадқиқотлар лабораторияси ташкил этилган. У Узаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар олимларининг ҳамкорликдаги тадқиқотлари учун ўзига хос база вазифасини ўтайди.

СУРАТДА: ГДРда тайёрланган сунъий иқлим негетация камераси. нинг оператори Константин Лебедев иш режимини белгиламоқда. Ана шу камерада СССР, ЧССР ва ГДР олимлари нозги бугдой селекцияси бўйича ҳамкорликда яратган уруғ ўсти рилади.

ТАСС фотохроникаси.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● САЙЁРАГА — ОЛИМНИНГ НОМИ

Ческа—Будеёвица яқинидаги обсерватория ходими Мркос шу йилнинг май ойида янги кометани аниқлаган эди. Кембриждаги Халқаро астрономия союзининг қарорига биноан кунн кеча бу кометага «Коул—Мркос 84 №» деган ном берилди. Паломаркс обсерваториясида америкалик Чарльз Коузл чехословак олим билан бир вақтнинг ўзида ана шу янги кометани кузатди.

● ФОЙДАЛИ... ПОРТЛАШ

Графицкая кўчасидаги тўрт қаватли 4-уйда тонг отар чоғида кучли портлаш юз берди: 111 килограммли динамит кучга кирди. Страговск туннели қурилиши ана шундай бошланди. У Прагадаги транспорт оқимини бир мунча енгиллаштириш имконини беради. Қурувчилар томонидан тайёрланган ушбу портлаш ишлари шу даражада пухта ўйланган эдики, ҳатто қўшни уйларда истиқомат қилувчи аҳолининг биронтасини ҳам бошқа жойга кўчиришга ҳожат қолмади.

● ШОҲСУПАДА — АВТОБУС

Воркутадаги кўчалардан бирида яқинда одатдан ташқари бўлган ёдгорлик пайдо бўлди. Унинг шоҳсупасига... «ЛиАЗ—158» маркасидаги эски автобус қўйилган.

Ҳамма гап шундаки, ҳайдовчилардан Н. Голота ва А. Гончаровлар бу машинада капитал ремонтсиз 1.200.000 километр йўл босишган. Бу экватор атрофини ўттиз марта айланиб чиқиш деган сўздир.

● КАРТОШКАГА... ЕДГОРЛИК

Дунёда жуда кўплаб ғайри-табиий бўлган ёдгорликлар, ҳайкаллар учрайди. Афсонавий қаҳрамонларга, эсда қоладиган саналарга, ҳайвонларга бағишланган ёдгорликлар фикримизнинг далилидир. ГФРнинг Гарц областида эса яна битта ажабланарли ёдгорлик ўрнатилди. Жуда катта гранит тошга: «Бу ерда , 1748 йили биринчи бор картошка экилган эди...» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

● 2000 ЙИЛДА ОЧИЛАДИГАН СИР

Швейцари я н и н г «Омега» фирмасида ишлайдиган бир уста ғаройиб соатлар конструкциясини яратди. Инженер Доменико Роаза ўзи яратган бу соатга «Роза» деб ном берди. Мутахассисларнинг гувоҳлик беришича, унинг соатлари жаҳондаги энг мураккаб соатлар ҳисобланади. Бу соатлар Европа, Америка ва Австралиядаги кўпгина шаҳарларда вақт неча бўлганини, Қуёш, Ой, планеталар ва энг йирик сайёраларнинг ҳозирги вақтда турган ўрнини кўрсатади. Соат устига ўрнатилган гул эса соат миллари қанча вақтни кўрсатса шунча марта очилиб, ёпилади. Фирма мутахассисларининг айтишича, «соат техникасининг бу мўъжизаси» сотувга мўлжалланган эмас, чунки у нодир механизмдан иборат бўлиб, унинг сири фақатгина 2000 йилнинг 1 январида очилади.

● БАҚИРМА, ЧАҚАЛОҚ

Америкалик врачлар ёш оналарда эшитиш қобилияти тез-тез бузилиб туришини аниқладилар. АҚШлик олим У. Бостром бундай ҳолатнинг сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, янги туғилган чақалоқлар қуввати чўқмор болғаси тарататадиган овозга тенг кучда бақириш қобилиятига эга экан.

● КУРҒОҚЧИЛИК ОҚИБАТИ

Чаднинг жанубида кейинги ойларда очилкдан 600 га яқин киши вафот этди, деб хабар беради АП агентлиги. Дарахтларнинг илдизини ейишга мажбур бўлган яна минглаб кишиларни ана шундай аянчли қисмат кутмоқда. Бундай ҳалокатли ҳолатнинг юз беришига мамлакатнинг бир мунча ривожланган қишлоқ хўжалик районида даҳшатли қурғоқчилик сабаб бўлди.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

Жонажон ўлканинг қўшиқ ва бўёқлари

Тошкентда «Бахши» ва «Палитра» деб аталган иккита ҳужжатли фильм премьераси бўлиб ўтди. Ўзбек кинематографчиларининг янги фильмлари санъат усталарига, уларнинг ижодий изланишларига бағишланган.

Халқ бахшилари — сурхондарёлик Шоберди Болта ўғли билан қашқадарёлик Қодир бахши Ҳўжамберди ўғли «Бахши» фильмининг қаҳрамонларидир. Фильмни яратувчилар — А. Отаёр ва Б. Музаффаров томошабинларни кўпгина авлодлар хотирасида сақланиб қолган мумтоз халқ достонларини ижро этувчи кишилар билан таништирадилар.

Постановкачи режиссер Ш. Маҳмудов суратга олган «Палитра» киноленталари тошкентлик ёш рассом Алишер Мирзаевга бағишланган дирик ҳикоядир.

Чиннисозлар ва рассомлар ҳамкорлиги

Тошкент чинни заводи усталари билан Ўзбекистон рассомлари ижодий ҳамкорликда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган кўпгина ёдгорликлар ва совға буюмлари яратишди. Вазалар, гулли лаганлар, сервизларни безаган суратларда Ўзбекистон тарихининг саҳифалари, республика меҳнаткашларининг шонли ишлари акс эттирилган.

«Ҳамза Шоҳимардонда», «Ленин Мирзачўл харитаси олдида», «Галаба ёдгорлиги» вазаларига, «Прогресс» деб аталган гулли лаганга ҳамда юбилей шарафига ишлаб чиқарилган бошқа буюмларга давлат Сифат белгиси берилди.

Достон қаҳрамонлари бронзада

Қирғизистон билан Ўзбекистон чегарасида ўрнатилган бронза ҳайкалдан қадимги халқ достони «Манас» нафаси келади. Ватаннинг мустақиллиги учун жанг қилаётган баҳодир эрини кутаётган аёл олис-олисларга диққат билан нигоҳ ташлаб турибди. «Момоқирғиз» монументининг автори ўпилик ёш ҳайкалтарош Раҳматқул Парпиевдир.

У ўз асарларини халқнинг қаҳрамонона тарихига бағишлаб, ўтмиш ва замонамиз буюк кишиларининг ҳайкалларини яратмоқда. Яқинда Қирғизистон Рассомлар союзи ташкил этган экспозицияда Парпиевнинг тарихий мавзудаги ҳайкаллари билан бирга «Замондошларим» туркумида ишланган ҳайкаллар ҳам қўйилган.



● *Ажойиб насиҳатлар*

Ҳикматнома

● Парҳез—саломатлик гарови, Аммо, одамлар ўзи учун ўзи душманлик қилади. «Ема» деб буюрилган нарсани ўгринча ейди, «ичма» дейилганини эса бекитиб ичади.

Рубоий:

Парҳез буюрилса инсонга емиш,
Чайновин тўхтатмас ўттиз икки тиш.
Анордан ибрат ол, юзлаб тиши бор,
Хаёлга келмайди орзини очиш.

● Кўр-кўрона қилинадиган бемаъни урф-одатлар одамнинг тинкасини қуритади. Ўртада низо келтириб чиқаради, бефаҳмларча қилинган «сахий»ликнинг охири душманлик ва «хотамтой»ликнинг сўнги эса айрилиқ билан тугайди.

Рубоий:

«Яна» қариндошим чақирди тўйга,
Яна десам борма сен ҳар хил ўйга.
Яқинда бир қўйдан қутилган эдим,
Яна тушар бўлдим бошқа бир қўйга.

ЁМОН ОДАТ — ЖОНГА КУЛФАТ

● Керилиш—инсон учун ёт бўлган ёмон одатлардан бири. Керилишнинг ўзи нима? Бу кишининг ташқи томонидаги нарсалари билан мақтанишидир. Масалан, яхши кийинган ва қимматбаҳо безаклар билан ясанган ёки данғиллама уй-жойларга эга бўлган киши ўзига нисбатан шундай нарсаларга эга бўлмаган кишилар ичида ўзига бино кўяди, фахрланади ва керилади. Ваҳоланки, бундай одам ҳаромдан топган бўлса, шарм қилиш ва бу қабиҳ йўлдан қайтиши лозим. Борди-ю, ҳалолдан топган бўлса, керилиш ўрнига, ён-атрофдагиларга мурувват кўзи билан қараши, ёрдам қўлини чўзиши керак. Акс ҳолда керилиш масхара бўлиш билан якунланади.

М. ҲАСАНОВ тайёрлаган.

● ПСИХОЛОГ МАСЛАҲАТИ

БОЛАНИНГ БОҒЧА ЁШИ

Боланинг ёши катта бўла бориши билан, у баъзи ишларни катталарнинг ёрдамисиз, ўзи бажарадиган бўлади, уларда ўзларига хос истаклар, интилишлар туғилади. Боғчага қатнай бошлаган кичкинтойларда турли юмушларни бажариш, ҳар хил ўйинлар ўйнаш, топишмоқ-эртаклар айтиш каби хусусиятлар ўса боради.

Боланинг аҳлоқан шаклланишида ўйин, айниқса муҳим роль ўйнайди. Ўйинда эса бола қандайдир ролни ўйнаган ҳолда биринчи марта ўзи аҳлоқий нормаларни аниқлайди, уларга амал қилади. Ўйинда бола намуна қилиб олган одамнинг хулқ-атвори ва ҳатти-ҳаракатлари мужассамланган бўлади. Шундай қилиб, ўйинда бола этик нормаларни фақат фарқлабгина, англабгина қолмай балки катталарнинг мақташига умид боғламай, уларга «бегараз» амал қилади. Бу эмоциялар етук аҳлоқий ҳиссиётлар ва ишончнинг дастлабки намоён бўлишидир.

Одатда, боғча ёшидаги бола катталарнинг ҳар қандай ишида бевосита иштирок эта олмайди, чунки бундай ишларни қилишга у ожизлик қилади албатта. Боғча ёшидаги болага майда ролларда ёрдамчи бўлиш камлик қилади. Болага оила ва коллективнинг ҳамма аъзолари ёрдам бериши керак.

Мактабгача тарбия ёш даврида болаларнинг мустақил фаолиятларида муҳим ўзгариш рўй беради. Дастлабки пайтларда болаларни меҳнатнинг натижаси эмас, балки меҳнатда иштирок этишнинг ўзи қувонтиради. Бу даврда мабодо болалар бирга меҳнат қилсалар-да, бари бир улар ўртасида ҳақиқий, чин ўзаро муносабат бўлмайди, ҳар бири ўз ҳолича ишлайди. Бола ўз ишига катталарнинг берган баҳоси асосида ва ишда иштирок этиш ҳолатига қараб фикр юритади. Баъзи болаларнинг «Мен супириб бўлдим», «Мен идишларни йиғиштирдим» ва ҳоказо деб айтишлари бунинг далили бўла олади.

Бу ёшдаги болаларда кейинроқ бориб ўз меҳнатининг ижтимоий фойдасини англаш пайдо бўлади. Бунда бола ўз онасининг, тарбиячисининг, ўртоқларининг ҳақиқий ёрдамчиси эканлигини тушуна бошлайди. Ўзининг бажариши лозим бўлган меҳнат топшириқлари доирасини англайди, жавобгарликни ҳис қилиш ва бурч ҳисси пайдо бўлади. Бунда бола ўзининг шахсий ютиғидан қувонишга, муваффақиятсизлигид а н қайғуришга, ўз ҳис-сиётларини тийиб тура олишга ўрганади. Баъзи болалар: «Менинг тишимни даволашганда сира йиғламадим», деб айтиши бунга далил бўла олади.

Болада тафаккур, тасаввур, хотира, нутқ каби психик процесслар ва ўз-ўзига баҳо бера олиш хусусиятининг ўсиши ҳамда ахлоқий тушунчаларнинг шаклланиши туфайли ҳис-ҳаяжони мазмунан бойиди. Унда она-Ватаннинг аҳамиятини, унинг ютуқлари ва қаҳрамонларини англаш билан боғлиқ бўлган ҳиссиётлар пайдо бўлади. Ўз ҳис-туйғуларини назорат қилишда ва бошқаришда катта ютуқларга эришади. Бу эса, ахлоқий хулқ-атвор ва ҳатти-ҳаракатининг жамиятдаги мавжуд нормаларини ўзлаштириш билан жипс боғлиқдир. Боғча ёшидаги бола ҳаётида эмоционаллик билан ахлоқийлик бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Р. ТЎРАХОНОВА, психология фанлари кандидати.

● ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

ЭРКАТОЙНИНГ ДЕГАНИ

Қийин экан уф дарсим,
Қилолмайман бир ўзим.
Ҳай ойи, бери келинг,
Дарсимга ёрдам беринг.
Ҳой дада, сиз қаёққа,
Сиз ҳам келинг буёққа.
Қийин дарс экан жуда,
Вақт кетмасин беҳуда.
Бундай ақлни пешлаб,
Беринг мисолни ишлаб.
Менга тегманг кўпмос,
Ўйнаб келаман бироз.

Ҳабиб РАҲМАТ.



«Менинг қўғирчоғим чиройли». Х. Мирзакаримов фотоси.

Троллейбусда

(ҚАТРА)

Троллейбусда ҳамма жой банд. Икки-уч киши тик туришибди. Троллейбус навбатдаги бекатга яқинлашиб қолди, тиззасига катта сариқ сумка қўйиб ўтирган ёшгина жувоннинг ёнидан ва орқадаги қатордан икки ўрин бўшади. Тикка турган ўрта бўйли озғин йигит ҳалиги жувоннинг ёнига ўтмоқчи эди, бошқа чиройли бир йигит уни пайқамай лип этиб ўтириб олди. Озғин йигит бу ҳолдан энсаси қотиб, юзлари ўзгариб кетди. Ниҳоят, у жаҳлини ичига ютолмай:

— Туринг бу жойдан! — деди тўнғлик билан чиройли йигитнинг елкасини ушлаб. У эса, буйруқнинг қайси маънода берилганини тушунмади шекилли, ҳайрон бўлиб елка устидан унга қараганича ўтираверди.

— Туринг деяпман снзга, қулоқ борми ўзи?! — озғин йигит кўзлари ола-кула бўлиб, овозини баландлаб яна хитоб қилди. Ён-атрофда ўтирган йўловчилар ҳам таажжуб билан унга қараб қолишди.

— Қаёққа тураман? — деди чиройли йигит ҳануз ҳайрон бўлиб, — жой керакми снзга, ана, бўш жой бор-ку, ўтиравермайсизми?

— Йўқ, сиз ўтирган жойга ўтираман.

Чиройли йигит ҳайратланиб ёнида, дераза томонда ўтирган жувонга қараб қўйди. Жувон эса, негадир қаттиқ уялганидан юзларн анордек қизариб, тилла билакузукли оппоқ қўллари билан юзини беркитиб олган эди.

— Нимасига қарайсиз? — деди ҳалиги тежанг йигит астойдил жаҳли чиқиб, — бу менинг хотиним, туринг, туринг деяпман.

— Э-е, гап буёқда денг, биродар, — чиройли йигит ўрнидан туриб нариги жойга ўтирди-да, ёқасини ушлаб «тавба» деб кулиб қўйди.

К. МУҲАМЕДОВ, Улуғ Ватан уруши ветерани.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

ҚУЛОҚ

Стулчада ўтирган тўрт ёшли Нодирбек ўзича бақириб қўшиқ айтарди. Назира опаси унинг шовқинидан зерикди.

— Нодирбек, бўлди қил, қулоғимни едингку,— деди у.

Нодирбек қўшиқ айтишдан тўхтаб, опасининг қулоқларига қаради:

— Қулоғингиз жойида-ку, сиздан узоқда туриб қандай ейман?— деди ҳайрон бўлиб.

ЖИЯННИНГ ЖАВОБИ

Холаси жиянчасидан сўради:

— Онанг яхши ўтирибдими, ширингинам?

— Мен келаётганда онам тик турган эдилар, — жавоб берди жиянча.

ЭСНАШ ОҚИБАТИ

— «Эснамоқ» феъли келаси замонда қандай турланади?

— Мен ухлаяпман, сен ухлаяпсан, у ухлаяпти...

ТАБИИЙ НУР

— Электр энергия билан ёруғлик ўртасида қандай фарқ бор?

— Ёруғликка пул тўланмайди!..

Мухтор СУЛАЙМОНОВ.

● ОРАСТА БЎЛИНГ

КИЙИНИШ ҲАМ ОДОБ

Боланинг кийим-бошлари қулай, ёшига монанд тикилган, тоза ва дазмолланган бўлиши керак. Айрим модасевар ёшлар борки, улар ота-оналарининг моддий аҳволи билан ҳисоблашмай, ҳали ўртоғимнинг дадаси ўнақанги туфли олиб берибди, дугонамнинг онаси бунақанги кўйлак тиктириб берибди дейишаверади, ёки бугун ўқитувчисининг тақиб келган зеб-зийнати ҳақида гапирадилар, шундай туфли, кийим-кечак, зеб-зийнат олиб беришни талаб этадилар.

Одатда аёллар, қизлар зеб-зийнатни, чиройли кийимларни яхши кўришади. Шу жумладан ўқитувчи ҳотин-қизларимиз ҳам. Лекин қимматбаҳо таланчи, улар мактабдан кўпроқ кўзга ташланаяпти. Мисол тариқасида қўйидаги воқеани келтириш жоиздир.

Автобус бекатида учтўрт дугона суҳбатлашиб туришарди. Уларнинг иккитаси шунақанги башанг кийинганки, кўрган одам уларни бирор зиёфат ёки театрга кетаяпти, деб ўйлаши мумкин. Ваҳоланки, улар мактабдан кинчисининг эгнида ҳам чет элда тикилган плашч, ҳозир расм бўлаётган феруза кўзли зирак, кийимларига мос «модний» туфли. Қолганлари синфдошларига эътибор ҳам бермай, бири олиб, бири қўйиб, улардан бошқа атрофда ҳеч ким йўқдек сўзлашишарди.

— Эртага бундан ҳам чиройлисини кийиб келаман, импортний, дер эди ялтироқ кофточали қиз.

— Менга дадам туғилган кунимга брилиант кўзли зирак олиб берадилар, бир ҳамма-нинг таълим-тарбиясига эмас, балки уларнинг зеби-зийнатига, кийим-кечак ҳақидаги хархашаларига қулоқ соладилар. «Мен ёшлигимда бундай кийинмаганман, менинг давримда кийсин, юрсин», — деб ўқитувчи ва яқин-атрофдагиларнинг маслаҳатига бефарқ қарашади, бу эса, ёш йигит-қизнинг ахлоқ-одобига салбий таъсир қилади.

Ҳар бир ёш ялтироқ ёки қимматбаҳо кийим кийиши ўрнига оддий, сипо, қулай ва ярашиқли кийим кийса унинг кўрки бўлади. Ўқувчилик формаси эса, болалик ва ёшлик зийнатидир.

М. АБДУҚОДИРОВА, Собир Раҳимов районидаги 111-мактаб ўқитувчиси.

Януш ОЗЕКА

ЧЎКАЁТГАН ОДАМ

(ҲАЖВИЯ)

Агар кишм таътил пайтида чўкадиган бўлса, дам олиш уйидаги лаззатли дамларин ҳам унутиб қўяр экан. Бу йил соҳилда шундай бир ҳодисани бошдан кечирдимки, у менинг бутун таътилимни чиппакка чиқаришга сал қолди. Чўмилаётганимда чуқур бир жойга келиб қолдим-да, тўсатдан чўка бошладим. Ногаҳон кўзим қирғоқда турган бир кишига тушиб қолди ва мен унн ёрдамга чақира бошладим:

— Ёрдам, ёрдам беринг!

—Снзга жуда раҳмим келяпти, — деди у, — аммо қутқарувчи бу ерда эмас-да.

— Чақирнг унн тезроқ, қайси гўрда юрибди у!— қичқирдим мен қўлларим билан сувни шалоплатганча.

— Нега бунча бақирасиз,—танбеҳ берди қирғоқдаги киши, — сиз унинг ҳужрачасидаги бир парча хатни кўрмадингизми! У ерда очиқ-ойдин қилиб «Мен мажлисга кетдим», деб ёзиб қўйилган ёки сиз ўқишни билмайсизми!

— Ўқишни-ку биламан, аммо сузишни билмайман, — ғулдирадим мен сув ютиб ва чўка бошладим, сўнгра бир амаллаб яна сув юзасига чиқиб олдим:

— Қутқарувчи мажлисларга иш вақти тугагандан кейин бориш керак.

— Ҳеч нарсадан хабарингиз йўқмн дейман,— қичқирди у менга қараб, —иш вақтидан кейнн дейсиз-а. Иш тугагандан сўнг у сузишдан дарс берадн-ку.

— Қутқарувчи сузишдан дарс бершн керак эмас, у қутқаришн керак, —дедим мен жаҳл билан ва яна бир оз чўкдим.

— Ҳой, менга қаранг, ҳеч бўлмаса менга қутқарнш ҳалқасинн ташласангиз-чи.

— Қутқарнш ҳалқаси бу ерда эмас, — деди у бамайлнхотнр.

— Бу ерда бўлмаса, қаерда у! — сўрадим мен.

— Қутқарувчи ҳалқани ўзн билан олиб кетган, у ҳозир шаҳарда.

— Қутқарувчи шаҳарда қутқарнш ҳалқасннн нима қнлади, ахир!—сўрадим мен жоним чиқкудек бўлиб.

— Қутқарувчи унн бу ерга ташлаб кетолмасдн, чунки у ҳалқа учун шахсан жавоб бершн керак. Бу ерда эса, унн бнров тешиб қўйнши мумкин.

— Ёрдам, ёрдам беринг!— қичқира бошладим мен сув ютиб.

— Кимни чақираяпсиз ўзи!— менн қойнй бошладн у, — ҳаммасинн тушунтириб берсам ҳам, яна бўкирадн-я.

— Сиз ўзингиз менн сувдан тортиб чиқара майсизми!— сўрадим мен умндвор бўлиб.

— Йўқ мен снзни қутқара олмайман. Сизнн деб ўзим шу заҳотн чўкиб кетишим мумкин. Меннинг вазифам бутунлай бошқача, — деди у.

— У қанақа вазифа экан! — сўрадим мен оғзимга кирган сувни қайтариб ташларканман.

— Мен таржимонман, — деди у, —чўкаётган чет эллнкларнинг ёрдам сўрашларнин поляк тилига таржима қилиб бераман.

— Кимга таржима қнлиб берасиз!

— Ҳозир қутқарувчнннг кулбасида ўтирган кишига-да. У чет эллнклар қутқарши ншлари билан шуғулланади, аммо ўзн биронта ҳам чет тнлнн билмайди.

Мен аччиқ устида сувни шунчалар шиддат билан шапалоқлай бошладнмки, шу ернинг ўзидаёқ сузишни ўргандим.

Немис тилидан Йўлдош ПАРДАЕВ таржимаси.

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ

4 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ
С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 166-АВИАЦИЯ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИҒУВЧИ СЛЕСАРЬ, МЕХАНИКА-ЙИҒУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СЛЕСАРЬ, СЛЕСАРЬ-ЭЛЕКТРОМОНТАЖЧИ, ТОКАРЬ, ФРЕЗЕРЧИ (сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори) ВА СЛЕСАРЬ-САНТЕХНИК-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ.

БИЛИМ ЮРТИГА ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЯШОВЧИ 8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТГА ЭГА БЎЛГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўрта маълумотлилар учун ўқиш муддати — 1 йил.

Билим юртини битирганларга ўрганган касби бўйича диплом берилади.

Ўқувчиларга ҳар ойда стипендия берилади.

8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил.

Билим юртини тугатганларга ўрта маълумот тўғрисида ва эгаллаган касби тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар ҳар куни 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси даврида эса ишлаб топган меҳнат ҳақининг бир қисми билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР В. П. ЧКАЛОВ НОМЛИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ИШЛАШ УЧУН ЮБОРИЛАДИЛАР.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш имтиёзига эга бўладилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишни давом эттирувчилар учун бирлашма қошида Тошкент Политехника институти кечки бўлими ва авиация техникуми (самолётсозлик факультети) мавжуд.

Билим юртида спорт секциялари ишлайди.

Ўқувчиларнинг дам олиши учун Чимён атрофида спорт-соғломлаштириш лагери бор.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари шарт: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти ва туғилганлиги тўғрисида ҳужжатлар, (286-формадаги медицина справкаси), турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 8 дона 3х4 см., 4 дона 4х5 см. ҳажмдаги фотосуратлар, характеристика, таржимаи ҳоли.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ҳамза райони, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (121, 30, 8-автобусларнинг «166-билим юрти», 3, 23-трамвайларнинг «Лисунов кўчаси» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг

182-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Билим юрти шаҳар қурилишларида ишлаш учун қуйидаги касблар бўйича юқори малакали ишчилар тайёрлайди. ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, СУВОҚЧИ-БЎЁҚЧИ, БЎЁҚЧИ, ДУРАДГОР, АВТОСЛЕСАРЬ.

Ўқиш муддати — 1—2—3 йил.

Узоқдан келганларга ётоқхона берилади.

БИЛИМ ЮРТИГА 15 ВА УНДАН ЮҚОРИ ЁШДАГИ 8-10 СИНФНИ БИТИРГАН ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юртини битирганларга диплом берилади ва улар қурилиш бошқармасига ишга юборилади. Билим юртини аъло ва яхши баҳолар билан битирганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Ўқиш даврида ўқувчилар 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-бош ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги иш ҳақининг 50 процента билан таъминланадилар.

10 синфни битирганлар 30 сўм стипендия оладилар. Совет Армиясини битириб келганлар 60 сўм стипендия оладилар.

Ўқиш даври узлуксиз меҳнат стажига киради.

Билим юртини битирганларга «Ташпромстрой» бошқармасига йўлланма берилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш **керак:** билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (ёки паспорт), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.) соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

Аризалар ҳар куни соат 9 дан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Багратион кўчаси, 4-уй. Телефон 64-18-41. (17-автобуснинг «12-турар жой шаҳарчаси; 13-трамвайнинг 2-«Шимолий-Шарқ» бекатлари).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

22-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984-85 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Эркакларнинг устки кийимларини тикувчи. Ўқиш муддати —3-3,5 йил; **эркаклар ва болалар кийимларини тайёрловчи тикувчи-мотористка.** Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 1 йил, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ўқиганлар учун 6 ой; 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил.

БИЛИМ ЮРТИГА 8—10-СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ ТОШКЕНТЛИК ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

8-синфни битириб ўқишга кирганлар давлат таъминотида бўладилар, ўрта маълумотлилар эса ҳар ойда 30 сўмдан стипендия оладилар. Ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини битирганларга ҳар ойда 70 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ва «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтказилади. Практика даврида ўқувчилар ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОБЛАНАДИ.

Билим юртида 3 йил ўқиб битирганлар эгаллаган ихтисоси ва ўрта маълумот ҳақида диплом оладилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар институт ва техникумларга йўлланма билан юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 286-формадаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмидаги 4 дона фотосурат, мактабдан характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

МУРОЖААТ УЧУН АДРЕСЛАР:

Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй (Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территориясида— 2, 3, 16, 22, 23, 28-трамвайлар, 2, 26, 10, 17, 56, 57, 89, 72,- 60-автобусларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Мавзуй кўчаси, 136-уй (Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали территориясида — 27-трамвай, 10, 43, 88, 102-автобусларнинг «Шимолий Олмазор» бекати). Телефонлар: 35-62-41, 48-64-04.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, крупа ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограмми учун 12 тийин баҳосида тўлашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус— 13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚУЙИЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, крупа қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига омонат кассалари ишини янада ривожлантириш ва оммалаштириш, омонат кассалари фаолиятини кенгайтириш, меҳнаткашларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада яхшилаш мақсадида

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

30 ОКТЯБРГАЧА

ОМОНАТ КАССАЛАРИ ИШЛАРИНИНГ ЖАМОАТ КЎРИГИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Омонат кассаларининг ишини яхшилаш юзасидан фикр ва мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга ёзиб юборишингизни сўраймиз: 700047, Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 33-51-95, 33-78-02.

СССР Давлат Меҳнат омонат кассалари Тошкент шаҳар бошқармаси.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлигининг

РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИ

1984-85 ўқув йилига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН КЕЙИН БОШЛАНАДИ.

Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚУВ КУРС КОМБИНАТИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА НООЗИҚ-ОВҚАТ (саноат) ТОВАРЛАРНИ ҲАММА ПРОФИЛЛАРИ БЎЙИЧА СОТУВЧИ ВА КОНТРОЛЁР КАССИРЛАРНИ ТАЙЁРЛАЙДИ.

ЎҚУВ-КУРС КОМБИНАТИГА ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИДА ЯШАЙДИГАН ЎРТА МАЪЛУМОТЛИ ТЎ ЁШДАН 25 ЁШГАЧА БЎЛГАНЛАР КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқув-курс комбинатини тугатганларга «Сотувчи», «Контролёр-кассир» деган малака берилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Қабул қилинганларга ҳар ойда 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқув-курс комбинати тингловчилари ишлаб чиқариш практикасини Тошкент шаҳридаги энг яхши савдо корхонасида ўтайдилар.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат (асл нусхаси), турар жойидан справка, таржимаи ҳоли, характеристика, 286-формадаги медицина справкаси, фотосурат (3х4 см.) 4 дона ёки 6 дона.

Ўқув-курс комбинатининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Акмал Икромов райони, Бобур кўчаси, 3-уй (13, 70-автобусларнинг «Тез медицина ёрдами» клиника касалхонаси» 4, 9-трамвайларнинг «Чўпон-ота» бекатлари). Телефон: 78-44-30.

ҚИШКИ ВА ЁЗГИ СПОРТ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА РЕЗЕРВИ ГРУППАЛАРИНИ ТАЙЁРЛОВЧИ РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ—МАШҚ МАРКАЗИ (бирлашмаси)

«БИОРИТМИК ГИМНАСТИКА»

ГРУППАЛАРИГА ҚАБУЛ ЎТКАЗАДИ

Машғулотлар «ЮБИЛЕЙ» Марказий спорт залида — Беруний кўчаси, 41-уй, ҳафтада 3 марта ўтказилади.

Ёши чекланмаган ҳолда барча хоҳловчилар қабул қилинади.

Группаларга аъзо бўлиш учун соғлиғи тўғрисида справка, касаллик тарихи варақасидан кўчирма, электрокардиограмма ва 3 дона фотосурат тақдим этилиши зарур.

Машғулотларни тажрибали инструктор-методистлар олиб боради.

Машғулотлар 8 октябрда бошланади.

Аъзо бўлиш масалалари юзасидан «Юбилей» Марказий спорт залига мурожаат этилсин: Телефонлар: 46-07-53, 46-68-77.

ТОШКЕНТ ОТЧОПАРИДА

ҲАР ЯКШАНБА КУНИ СОАТ 11.00 ДА

ПОЙГАЛАР ЎТКАЗИЛАДИ



ПРОГРАММАДА:

АНЪАНАВИЙ ВА НОМЛИ СОВРИНЛАР УЧУН МУСОБАҚАЛАР БОР.

ОТЧОПАРДА ЎЙИН АТТРАКЦИОНЛАРИ ИШЛАБ ТУРИБДИ.

Пойгада Ўзбекистон ССР ва Қозоғистон ССР колхоз, совхоз ва от заводларининг энг яхши тулпорлари иштирок этади.

ОТ-СПОРТ ЛОТЕРЕЯСИ (тотализатор) ИШЛАЙДИ.

Совуқ ичимликлар билан савдо қилувчи буфет томошабинлар хизматида.

«БЕГА» ресторани ишлайди.

Отчопарда йил бўйи (душанбадан ташқари) чавандозлик учун от ва уч от қўшилган аравача прокатга берилади.

ОТЧОПАР КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ БИЛАН ЧАВАНДОЗЛИК УЧУН ОТЛАРНИ ПРОКАТГА БЕРИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАЛАР ТУЗАДИ.

Аҳолидан тўй тантаналари учун уч от қўшилган рус аравачаларига буюртмалар қабул қилинмоқда.

КИРИШ БЕПУЛ.

Отчопар адреси: Тошкент шаҳри, Халқлар дўстлиги проспекти (метронинг «Собир Раҳимов» станцияси; 103, 122, 123, 130, 132, 178-автобусларнинг «Ипподром» бекати).

Телефонлар: 76-76-28, 76-45-47.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ПОЧТА АЛОҚАСИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ—ТЕХНИКА БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИГА

ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН ҲАҚНИ ИСТАЛГАН АЛОҚА БЎЛИМИДА ТЎЛАШ МУМКИНЛИГИНИ

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА!

ҚАНДАЙ ТЕЛЕВИЗОР ТАНЛАМОҚ КЕРАК?

ГОРЬКИЙ ШАҲРИДАГИ В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТЕЛЕВИЗИОН ЗАВОДИ «ЧАЙКА-733», «ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-739» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА.



БУ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ХАРИДОРЛАР ҲУРМАТИГА САЗОВОР БЎЛЯПТИ.

61ЛКЗП кинескопидаги 11 классли такомиллаштирилган рангли «ЧАЙКА-733», «ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-739» телевизорлари оқ-қора ва рангли тасвирдаги телевизион кўрсатувларни бемалол қабул қилади.

«ЧАЙКА-733» ва «ЧАЙКА-738» рангли телевизорларида қўлланилган СВП-4-2 типидаги енгил тугмачали программага оладиган электрон блок, «ЧАЙКА-739» да эса СВП-4-1 типидаги программага оладиган электрон блок қўлланилган.

БУ МАРКАДАГИ ТЕЛЕВИЗОРЛАР ИШЛАТИШДА СОДДА ВА ҚУЛАЙ.

Замонавий безакланган, юксак даражада ишончли ва узоқ муддат ишлайди.

«ЧАЙКА-738», «ЧАЙКА-733» РАНГЛИ ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ — 595 СЎМ, «ЧАЙКА-739» — 630 СЎМ.

ГОРЬКИЙ САВДО РЕКЛАМА КОМБИНАТИ.

ТВ

ПАЙШАНБА

4 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.55 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
18.25 «Миллионлар ленинча университети». «Социалистик экономикани бошқариш».
18.55 П. И. Чайковский. «Болалик альбомидан».
19.10 «Дунё воқеалари».
19.25 «Дунё ва ёшлар».
20.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Спартак» (Москва) — «Оденсе» БК (Дания).
21.30 «Время».
22.05 «Муаммолар — изланишлар — ,ечимлар». «Етиштирилган барча ҳосилни авайлаб сақлайлик». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради.
23.05 Балет артистларининг концерти.
23.45 «Дунё воқеалари».
00.05 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати. Информацион кўрсатув.

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми В. Горяев.
19.25 «Даҳлсиз боғ». Телефильм.
19.35 М. Мусоргский. «Кўргазмадан манзаралар».
20.05 «Дангара — менинг ерим». Телефильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Омск Давлат рус халқ хорининг концерти.
21.30 «Время».
22.05 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 4-серия (ГДР).

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Сўз кетидан сўз келар». Рус тилида сўзлашишга ўргатиш (такрорий).
18.50 «Биргаликда шодон қадам ташлаймиз». Фильм-концерт.
19.20 Граждан мудофааси куни га. Ўзбекистон ССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант С. С. Охунжонов сўзи.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Саодат» журнали саҳифаларида».
20.30 «Ахборот».
20.50 М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси «Гўзал» ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Хирмонингизга барака».
22.20 «Барбод бўлган экспедиция». Бадиий фильм. 2-серия.
23.20 Янгиликлар.

● УзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари».
18.45 «Капитанлар». Телефильм.
19.10 «Романс кечаси».
19.40 Реклама.
19.50 «Тоғларда куз». Телефильм.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Ахборотлар назарияси бўйича VI Халқаро симпозиум».
20.50 «Рута-Мята гуллаганда». Музикали фильм.
21.30 МТ II

ЖУМА

5 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Мақом дурдоналаридан». Душанбадан олиб кўрсатилади.
10.15 «Орион сиртмоғи». Бадиий фильм.
11.35 «Очиқ дарс». Телефильм.
12.05 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Совет кишиси учун». Ҳужжатли фильм.
15.55 Я. Сибелиус. 4-симфония.
16.40 «Олимлар — Подмосковьенинг агросаноат комплексига».
17.10 «Фақат бир томонга...» Ҳужжатли фильм (Англия). Сиёсий шарҳловчи В. П. Дунаев шарҳи.
17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
20.00 Концерт.
20.15 «Мактаб директорининг кундалиги». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва ҳаёт».
22.50 «Дунё воқеалари».
23.05 «Бугун студияда». Фильм-концерт премьераси.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Дунёнинг икки чеккасидаги шаҳар». Ҳужжатли фильм.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Атмосфера қуюнларининг жумбоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Онамларнинг мактаби».
19.30 «Саёҳатчилар клуби».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 М. И. Глинка романсларини халқаро конкурс лауреати Н. Дроздова ижро этади.
21.00 «Биз БАМни қуряпмиз».
21.30 «Время».
22.05 «Узундан-узоқ йўл». Беш серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 5-серия (ГДР).

● УзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фил мушраиг ўтлоқ».
10.50 «Дўстлик кўприклари» лефильм.
11.40 «Уталмаган бурч». фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари «Зарница-84» (тақрор
19.00 «Ёшлик» студияси ди. «Эстафета дафт
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Ўзбекистон халқ А. Удалов билан (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Созандалар ҳақида лар». Г. Назарова.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Эртага — премьер нокўрсатувни М. Дўст олиб боради.
23.45 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.10 Кўрсатувлар програ
18.15 «Халқ жасорати сах рн». Улуғ Ватан уру тераиларининг Тошк ҳар студент қурилиш лари жангчилари ёд рашуви (такрорий).
19.15 «Звездочка». Болал киноальманах.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Дўстлик оқшомлари
20.50 СССР Конституцияси га. «Совет турмуш» Кинопрограмма.
21.30 МТ II

Тошкент шаҳар Совет роия комитети Ички ишлар бошқармасининг раҳбар снёсий бўлими ва партия митети милиция майори
Йўлдош Ботирбекович МУРОДБЕКОВнинг
вафот этганлигини чуқур гу билан билдирид. нинг оила аъзоларига изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат мад институти ректорати ва ат ташкилотлари нинг катта ўқитувчиси А дова ва доцент Н. Ол ларга отаси
Муҳаммадмон ОДИЛОВнинг
вафот этганлиги муно билан чуқур таъзия изҳ лади.

Ўрта Осиё Темир йў қармасининг 2-вагон депоси коллектив чи, Улуғ Ватан урушч чиси А. Қодировга ўғ
Нурулла ҚОДИРОВнинг
вафот этганлиги муно билан чуқур таъзия қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат— 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари— 33-90-50.

4 ОКТЯБРЬ, 1984 й. Р—10459.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10